

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Озод юртнинг обод манзиллари

### ЯНГИ УЙИМИЗГА МАРҲАМАТ, МЕҲМОН!

...Болагим чанг кўчалар, пастқам, лойсувоқ уйларида ўтган...  
Ҳозиргидек ёдимда, ўша йиллари ҳар фаслнинг ўзига хос юмушлари бўларди. Ёзда қишлоғимиз йигитлари хонадонма-хонадон юриб лўмбоз қилишса, қаҳратон қишда томдаги қорни курашарди. Сўнг тор, қоронғу хоналарга ўзларини уриб, қўлоқларини оз бўлса-да иситиб олиш мақсадида сандалдаги милтиллаган чўғга туттишарди...  
Ўша йиллари бу манзара қишлоқ аҳолиси учун оддий ҳол эди...

(Давоми 2-бетда).



Маънавият

Мустақиллик даврида баркамол авлод тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланди. Қатор йилларнинг инсон манфаатларига қаратилган ном билан атиллаши ва бу борадаги муҳим давлат дастурлари амалга оширилаётгани, бюджет харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳа ривожига сарфланаётгани, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган 10 та мамлакат қаторидан ўрин олгани бунинг яққол исботидир.

### КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАГАН ЭЛ

Замонавий мактаблар, коллеж ва лицейлар, musiқа ва санъат мактаблари, ўйингоҳлар, спорт майдончалари барпо этилиб, уларда болалар пухта билим олишлари ва яйраб, соғлом бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар яратилган.

дунёга келмасиданоқ бошланадиган муҳим ишдир. Бу масъулиятли вазифани эса ҳаёт табида тобланган катта тажрибага эга ота-оналар, устозлар, "Бир болага етти кўшни ота-она" деганларидек, маҳалланинги ёши улуглари бажаришади.

Тарбия бола ҳали

(Давоми 2-бетда).

Ташаккурнома

### ЭЪТИБОРДАН МИННАТДОРМАН

"Ёлғизланиб қолган кекса бир аёлнинг кўнглини кўтарган, доимо хабар олиб турган Қизил Ярим ой жамияти туман бўлимнинг жонқуяр ходимлари, ҳамширалари таширф буюрганда доимо хонадоним нурга тўлиб, эътиборларидан бошим осмонга етади.

Соғлигим яхши бўлганда ҳам, беморлигимда ҳам ҳолимдан тез-тез хабар олиб турувчи меҳр-шафқат ҳамшираси Дилдора Мирзожоева ҳамда кўнглим Нигора Садриддиновага алоҳида ташаккур билдираман. Улар доимо доридармонларим хусусида ғамхўрлик қилишади. Уйимни саранжом-сариш талаб, юмушларимни бажаришда, кўнглимга қин ҳамсуҳбат бўлишади. Сўзларини

эшитсам олам-олам завқ оламан, руҳиятим кўтарилди. Қизларнинг яхшилик қилишига талпинишини кўриб, яшагга бўлган шижоатим янада ортади. Бундай кўнглили ва меҳрибон, эзгу ишларга бош бўлувчилар бор экан, биздек ёлғиз қариялар уларнинг меҳр-мурувватидан ёшариб яшайверамиз".

Александра ФОИЗОВА,  
Паркент шаҳри,  
"Обжувоз" маҳалласи.

Тадбир

### ФАҲРИЙЛАР УЧУН УНУТИЛМАС КУН

Олмалик шаҳри марказий ўйингоҳида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида гала концерт бўлиб ўтди.

"Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, вилоят ёзувчилар уюшмаси, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, касабаяшумалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда вилоят шаҳар ва туманларидан 4 мингдан зиёд фахрийлар ва ёшлар иштирок этди.

уларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида гапирдирилди. Шунингдек, иқтидорли ва салоҳиятли ёш авлод вакиллари учун барча имкониятлар мавжудлиги, қолаверса, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда навқирон авлод ҳиссасини алоҳида эътироф этди.

Сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлохотлар самараси хусусида тўхтадилар. Кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган ғамхўрлик,

Таниқли эстрада юлдузлари, вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонанда ва раққосалари ҳамда "Кўзунчоқ" болалар дастаси иштирокчиларининг чиқишлари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Саид АКБАРОВ.

### ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

#### Янги савдо шахобчаси

Зангиота туманидаги Келес шаҳри марказида тадбиркор Тоҳир Нигматиллаев томонидан "Maximal Market" озиқ-овқат дўконининг фойдаланишга топширилиши истеъмолчилар учун чинакам байрам совғаси бўлди.

Дўкондаги гўшт, сут, қандолат, нон, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳўл ва қуруқ мевалар ҳамда бошқа маҳсулотлар сифати билан харидорларга манзур бўлмақда. Замонавий кўринишга эга ушбу дўкондан жой

олган бир неча маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам қайтадан таъмирланиб, ишга туширилди. Энг муҳими, 25 нафар маҳаллий аҳоли муқим иш ўрнига эга бўлди.

Умида ФАЗЛИЕВА.

#### Умидбахш ғунчалар

Оҳангарон туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спортнинг бир қатор турлари бўйича сабоқ берилмоқда.

Ўзбек жанг санъатидан таълим бераётган Моҳигул Йўлдошеванинги шогирдлари нафақат туман, вилоят, балки республика миқёсида совринли ўринларни эгаллашмоқда. Жумладан, 7 нафар шогирди Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.

Республикасида бўлиб ўтган таъкиддор бахсларида Моҳигулнинг ўзи жанг санъати, кикбоксинг ва таэквондо йўналишларида 2 та олтин, 1 та кумуш медал соҳибаси бўлиб, шогирдларига яна бир бор ўрнак кўрсатди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

#### Чеварлар изланишда

Пискент туманидаги "Dini Tabassum" хусусий корхонасида замонавий ағдозлар асосида тикувчилик маҳсулотлари тайёрланаётир. Уларнинг аксарияти болажонларга аталган.

Тадбиркорликни бошлаганимизга 10 йилдан ошди, – дейди жамоа раҳбари И. Абдурахмонов. – Шу чоқкача асосан савдо-сотик билан шуғулланардик. Бугунги кун талабини инобатга олиб, ички ва ташқи бозор учун мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мақсад қилдик. Шу тарика ўртачароқ тикувчилик цехи очиб, ўн нафар чевар билан

иш бошладик. Табиийки, ҳар қандай бизнес лойиҳа рўёби сармоёга боғлиқ. Бу борада тадбиркорга тижора банкнинг кўмаги кўл келди. Қисқа муддатда 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Шу ҳисобдан "Gemsy" фирмасининг тикув машиналари, гул босувчи ва кашта солувчи туркум ускуналар олиб келинди.

Алишер РАҲИМОВ.

### Ўзбекистон Мустақиллигининг 23 йиллиги олдида

Тарихни ўрганиш шунинг кўрсатадики, илк моддий ва маънавий маданият дастлаб Шарқда шаклланган ва инсониятнинг кейинги тараққиёти учун замин бўлиб хизмат қилган.

### ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖИ

Хусусан, қадимги Миср, Вавилон, Турон, Эрон, Ҳиндистон ва Хитойда бошланган цивилизация тарихида муҳим ўрин тутган. Қадимги Шарқ заминини халқлари дунёда биринчилардан бўлиб ерга ишлов бердилар, маданий ўсимликларнинг кўплаб навларини етиштирдилар, мураккаб сўғориш иншоотлари ва мосламаларни яратдилар, биринчи сув тегирмонлари ва обхувозларни қурдилар, ҳайвонларни хонақиллаштирдилар, пилла қурти боқиб, табиий ипак олишни кашф қилдилар, мураккаб меъморчилик санъатига асос солдилар, табиат кучлари қаршида сабр-тоқатли, иродали, ўткир фикрли, руҳан энгилмас бўлишни жаҳонга намён этдилар.

Мафқуравий жараёнлар тарихий ва ижтимоий шарт-шароит билан ўзвий боғлиқ бўлиб, даврлар алмашувиغا туртки бўлди. Буни қадимдан Турон ва Туркистон минтақаси деб номланган, бугунги кунда

унинг маркази ҳисобланган Ўзбекистон ҳудудида юз берган жараёнлар билан исботлаш мумкин.

Миллий ғоя ва мафқуранинг тарихий шакллари халқимизнинг кўп минг йиллик ўтмиши даврида ривожланиб келди. Қадимги Хоразм, Сўғдиёна ва Бақтрияда илк бор шаклланган, ажодларимиз 2700 йил олдин яратган дастлабки ёзма манба – "Авесто" китобида ҳам эзгулик ғоялари илгари сурилтирилди, пилла қурти боқиб, табиий ипак олишни кашф қилдилар, мураккаб меъморчилик санъатига асос солдилар, табиат кучлари қаршида сабр-тоқатли, иродали, ўткир фикрли, руҳан энгилмас бўлишни жаҳонга намён этдилар.

(Давоми 3-бетда).

### Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

### САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Бу йил мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади. Айтиш мумкин, сайловлар жараёнининг боришини фуқароларимизга ўз вақтида, очиқ ва ошқора етказиб бериш оммавий ахборот воситаларига алоҳида масъулият юклайди. Шу муносабат билан ушбу сайловларга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш масалалари хусусида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Суяр ҚУРБОНҚУЛОВ муҳбиримизга қуйидагиларни гапирди берди:

– Аввало, шунинг таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ишчил, босқичма-босқич ишлохотлар борасида энг юқори демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро меъёрларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришининг, ҳар бир кишининг давлат ҳокимияти ва-

килик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловни,

(Давоми 2-бетда).

Мафтунингман, Ўзбекистон!

### ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ХАЛҚИНГИЗНИНГ ЭНГ КАТТА ЮТУФИДИР

Мамлакатимизни кўриш, халқимизнинг бой маданияти ва анъаналари билан танишиш, хушманзара табиатимиздан баҳра олиш мақсадида юртимизга келаётган сайёҳлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш ниятидаги хорижий ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўза муҳбири уларнинг айримлари билан сўхбатлашдик.

Стефан ЛЕМАНН, ишбилармон (Германия): – Ўзбекистоннинг қадимий ва навқирон шаҳарларини бир кўр-

сам, деб орзу қилардим. Бу ниятимга етганимдан қувончим кечисиз. Шаҳарларимизда ўтмиш ва замонавийлик ёнма-ён яшар экан. Кенг

ва равон кўчалар, муҳташам бинолар мамлакатингиз тараққиётдан далолат беради.

Аваллари Ўзбекистон ҳақидаги тасавурларим фақат тарихий обидалар билан боғлиқ эди. Саёхатим асносида юртингиз табиатининг гўзаллигига, туризмнинг кўплаб йўналишлари изчил ривожланаётганига ишонч ҳосил қилдим. Буни юр-

тингизда қад ростлаётган янги замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Мен "International Tashkent" меҳмонхонасига жойлашдим. Бу ерда яратилган шароит халқаро талаблар даражасида. Бир-бирини такрорламайдиган, юксак дид билан безатилган шинам хоналар, юқори сифат даражаси-

даги хизмат, хушмуомила ходимлар, самимий меҳмондўстлик муҳити ҳар қандай кишига хузур бағишлайди. Яна бир жиҳат эътиборимни тортди – Ўзбекистонда бозорлар тўқин-сочин, хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Бу мамлакатингизда сайёҳликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

(Давоми 2-бетда).

### ИСТИҚЛОЛНИ МАДҲ ЭТИБ...

Мустақиллигининг 23 йиллик байрами муносабати билан Бекобод шаҳридаги Муқимий ва "Металлург" маҳаллаларида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида тадбирлар ташкил этилди.

Учрашуларда халқимизнинг сеvimли санъаткорлари ва ижодкорлари иштирок эттишди. Она Ватан, истиқлол ва унинг улкан имкониятлари, асрий анъаналаримизнинг тикланиши, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб тарзда камолга етказиш йўлидаги меҳр-эътиборни таранум этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар янгради.

Хуррият МҲМИНОВА.

Озод юртнинг обод манзиллари

Буларни бизга намунавий лойиҳа асосида Чиноз туманида бунёд этилган уй-жойларни фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этган, шу янги уйлардан бирининг эгаси Шерзод Тўраев хикоя қилиб берди.

Мазкур қарор асосида Тошкент вилоятида 2010-2013 йилларда етмиш икки массивда 2 минг 427 намунавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Эзгу орзуси эди, – дейди Юқори Чирчиқ тумани "Истиқлол" маҳалласида яшовчи Нарғиза Дониёрова. – Шаҳар уйларидеги каби шароит рўзгор юмушларини енгиллатиб, фарзандларимиз тарбиясига кўпроқ вақт ажратиши имконини бермоқда. Уй-

ларга тақдим этилаётган кредитларнинг анча арзонлиги, тўлов муддатиди ўн беш йил қилиб белгилангани, тўлов ойлик маоши ҳисобидан амалга оширилса, даромад солиғидан озод этилиши каби имтиёзлар ҳаммаимизни қувонтириши табиий.

Шундай озод ва обод юрт фуқароси эканимиздан фахрланамиз. Энди бемаъл, янги уйимизга марҳамат, меҳмон, деб баралла айта оламиз...

Янги қурилаётган массивларда инфратузилма яхшилаш, қўшимча қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида мактаб, кишлоқ врачлик пункти, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ҳаммом, дорихона, гузар, бекаат ва мини-банк каби юздан зиёд ижтимоий инфратузилма объекти қурилди. Ичимлик суви ва газ қувурлари, электр тармоғи тортилиб, ички йўллар барпо этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил дастури тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ вилоятда мингдан ортиқ намунавий уй-жой барпо этилмоқда. Қуриб битказилганлари пешма-пеш эгаларига топширилаётир.

Бекзод ХИДОЯТОВ, Ўза муҳбири, Даврон АХМАД олган суратлар.

Янги уйимизга марҳамат, меҳмон!



(Давоми. Боши 1-бетда).

Мафтунингман, Ўзбекистон!

Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик халқингизнинг энг катта ютуғидир

Сун ЧХОН, шифокор (Корея Республикаси):

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишончли ҳамкор. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланаётганидан хурсандимиз. Биз, шифокорлар ҳам Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги мени ҳайратга солди. Мамлакатингизда турли миллат вакиллари ақил-инок, ҳамжихатликда ҳаёт кечириётганини кўриб ҳавасим келди. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси бетакрордир. Тошкент шаҳри бўйлаб сайр қилиш, Мустақиллик майдонини, музей ва галереяларни томоша қилиш имконига эга бўлдим. Музейларда кўплаб ўқувчи ва талабаларни кўриб, Ўзбекистон ёшларининг ўз тарихига, бой маданий меросга катта ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишига ишонч ҳосил қилдим.

Ўзбекистонда куннинг қайси маҳали бўлишидан қатъи назар, одамларнинг хотиржам сайр қилиб юрганини кўриш жуда қувонарлидир. Ҳамма мамлакатда ҳам одамлар ўзини бундай эркин ва хотиржам ҳис қилмайди. Шу боис сайёҳлар Ўзбекистонга келишини хуш қўради.

Пьябурт ВОНГСАВАТ, тadbиркор (Таиланд): – Одатда, чет элга саёҳат қилаётган киши ўша мамлакатда дуч келиши мумкин бўлган ноҳуш ҳолатлардан огоҳлантирилади. Масалан, танимаган одам билан гаплашмаслик, кечаси сайр қилмаслик ёки ҳамёни эҳтиёт қилиш тайинланади.

Сандер РОЙ, ўқитувчи (Хиндистон):

Мамлакатингиз иқлими йилнинг исталган пайтида бу ерга саёҳат қилиш имконини беради. Саёҳат дастурлари йўналишининг кенг қамровлилиги ва қизиқарлилиги сайёҳларни ўзига жалб этмоқда.

Ўзбекистонга сафарим олдиндан мени ҳеч қим бу мазмунда огоҳлантирмади. Хайрон бўлдим. Аммо юртингизга келиб англадимки, бу ерда хавотир оладиган ҳолатнинг ўзи йўқ экан. Одамлар кўчаларда кечаси, ярим тунда ҳам бемалол сайр қилиб юравераркан. Бу мамлакатингиздаги тинчлик-осойишталик, халқингиз фаровонлигидан далолат.

Тинчлик ва ҳамжихатлик муҳити, дунёга машҳур Ўзбекиона меҳмондўстлиги юртингизга келаятган сайёҳлар оқими янада кенгайтиришда муҳим омили бўлмоқда. Айни пайтда Ўзбекистондан Таиландга тўғридан-тўғри авиақатнов амалга оширилаётгани ҳам жуда қувонарли.

Ишбилармонлар фақат тинчлик-осойишталик барқарор бўлган, қулай муҳит яратилган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилади. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик халқингизнинг энг катта ютуғидир.

Карл ИЛЬВЕС, муҳандис (Эстония): – Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Таъсирчанлиги билан буғунги кўрганларим ўртасида катта фарқ бор.

Ўза муҳбири Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кишлоқ мулкдорлари

Юқори Чирчиқ туманидаги "Дархон Агро Элита" фермер хўжалиги уруғчиликка ихтисослашган. Бу йил хўжалик аъзолари 52 гектар майдонда "Краснодар" ва "Таня" навли

бўғдой етиштириб, давлатга шартномадаги 166,4 тонна ўрнига 199,7 тонна дон топширдилар. Хўжалик аъзоларининг ўзига 61 тонна бўғдой қолди.

МАҚСАД – ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИККА ЭРИШИШ

Фалладан бўшаган ерларнинг 37 гектарига такрорий экин экилди. Улар картошканин "Пикассо", "Романо" ҳамда "Аладдин" навларидан юқори ҳосил олиш ниятидалар. Шунингдек, ҳозир 40 гектар майдонда пахта-нинг "С 65-24" нави парваришланмоқда.

– Ерининг ҳар қаричидан самарали фойдаланиш ва юксак натижаларга эришиш катта тажриба ҳамда меҳнат талаб этади, – дейди хўжалик раҳбари Жамшид Иброев. – Бунинг учун доимий изланиш ва янги-янги тажрибаларни татбиқ этиш лозим. Бу йил гектаридан 40 центнердан

ҳосил олиш ҳаракатида-миз. Ҳосилга ҳосил қўшиладиган август ойида ҳам парварини бўшаштирмаймиз. Мурод ҲАМИДОВ. СУРАТДА: хўжалик раҳбари Жамшид Иброев (ўнгда) ва сувчи Лутфулла Зулфияев. Даврон АХМАД олган сурат.



МАҲАЛЛАДА МУЛОҚОТ

Бекобод туман ҳокимлиги ноқонуний меҳнат иммиграцияси ва одам савдосининг олдини олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан маҳаллаларда жонли мулоқотлар олиб бормоқда.

"Бунёдор" маҳалласида бўлиб ўтган шундай табдирда жамиятдаги иллатларга қарши курашилмаса, олди олинмас, хунук оқибатлар келиб чиқиши алоҳида таъкидланди. – Ушбу масалалар юзасидан оилаларда, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бора-

вий ишларни янада қучайтириш юзасидан фикрлашиб олинди. Тадбир сўнггида "Адашганлар қисмати" ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Бундай жонли мулоқотлар "Ўзбекбод", Фарҳод, "Бешиқ" ва бошқа маҳаллаларда ҳам ташкил этилди. Ой охиригача тумандаги 54 та маҳаллада шундай табдирлар ўтказиш юзасидан махсус жадвал ишлаб чиқилган.

Каримкул БОБОҚУЛ ўғли.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Олий Мажлисга сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Олий Мажлис томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунчилик, коллегиялик, ошқоралик, адолатликдан иборат бўлган Марказий сайлов комиссияси тузилиши белгилаб қўйилди.

Овоз бериш қунига қадар уч кун ичда, шунингдек, овоз бериш кунни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижаларни таҳминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу

тик савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакилилик органларига эркин сайлаш ва сайланиш конституциявий ҳуқуқларини рўйб-га чиқариш, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис, Халқ депутатлари вилоят,

вилоятда мутахассислар, туман ва шаҳарлар даврий босма нашрлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий, вилоят ҳамда туман ва шаҳар сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партияларнинг вилоят кенгашлари матбуот хизматлари вакиллари ҳамда сайлов йўналиши бўйича тажрибали экспертлар иштирок этиши шарт. Сайловларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзусида ҳамраҳи ташкил этилди.

лар қесимида сайловчилар сони ҳисобини умумлаштириш, сайлов округлари чегаралари ва округлар номланиши кўрсатилган ҳолда уларнинг дислокацияси ҳақида лойиҳаси тайёрланмоқда. Президентимиз раҳнамолигида барпо этилаётган янги намунавий уй-жойлар даҳаларида ҳам сайловчиларга қулай шароитлар яратиш мақсадида янги сайлов участкалари ташкил этиш назарда тутилган. Қолаверса, округ ва участка сайлов комиссиялари таркибига муносиб номзодлар танлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Сайлов комиссияларининг моддий-техник таъминоти масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Марказий сайлов комиссияси мамлакатда давлат, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонунларга асосланиб, давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш мақсадида жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларни юксак демократик савияда, халқроқ таъминлашга таянган ҳолда ушшоқлик билан ўтказиш учун барча зарур тайёргарлик ишларини амалга оширмоқда.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

жумладан, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги қонуна мустаҳкамланди. Шунингдек, кузатувчиларга Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига қаратилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов мобайнида шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизми рақамлаштирилди. "Сайловдоли ташвиқоти" шунунча моҳияттан тўлиқ очиб берилди, уни олиб бериш турлари, шакллари ва усуллари белгиланди. Сайлов кунини ва сайлов

туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича табдирлар дастури қабул қилинди. Ушбу дастурнинг ижроси ҳусусида қисқача тўхталадиган бўлсақ, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, экспертлар, амалиётчи ходимларнинг республика ва маҳаллий матбуотда, радио ва телевидениеда чиқишлари, жойларда фуқаролик жамияти институтлари – сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари иштирокида тегишли масалаларни тушунтиришга қаратилган давра сўхбатлари, семинар-тренинглари ўтказилмоқда. Жумладан, яқинда Тошкент

Бундан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг асосий қондалари, Олий Мажлис ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш бўйича таъминоти, вазибалари, мамлакат ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида сайловга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш борасида сайловчиларнинг, айниқса, умумхалқ сайловларида илк маротаба иштирок этадиган ёшларнинг хабардорлигини ошириш ҳамда сайлов жараёнининг очик, ошқоралигини таъминлашдан иборат.

Шунингдек, шаҳар ва туман

(Давоми. Боши 1-бетда).



Мактаб ярмаркалари

ҚАЙ БИРИНИ ТАНЛАСАК ЭКАН, ЎҚУВЧИ БОЛАМ?

Хадемай ёзги таътил якунланиб, янги ўқув йили бошланади. Ота-оналар ҳам фарзандлари учун ўқув қурола...



Бу йил қизим 5-синфга боради, - дейди парентлик Хуснора Бобоева. - Ёнгинамизда мактаб бозори ташкил этилгани...

Маълумотларга қараганда, 1-синф ўқувчиларига Президент совғаси тахт қилиб қўйилган. Тумандаги ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандлари учун эса мактаблар ҳисобидан бепул дарсликлар берилар экан.

Ярмаркаларда савдонинг амалдаги солиқ ва банк қонунчилигига тўлиқ риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида савдо ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларида барча турдаги тўлов терминалларини (UZKART, Visa, онлайн) ўрнатиш белгиланган.

Уч набиран мактабда ўқийди, - дейди Гулнора Салимова. - Улар учун зарур ўқув қуроллари ва кийимларни мактаб ярмаркасидан харид қилдик, сифати ҳам, нархи ҳам бизга маъқул. Энг муҳими, бозор айланаб, маҳсулот излаб юрмадик. Ҳаммаси шу ерда муҳайё этилган.

Мукаддас ИСРОИЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Даврон АҲМАД олган сурат.



КОНСТИТУЦИЯНИ БУЗГАНЛИҚДА АЙБЛАНДИ

Ироқ пойтахтининг деярли ҳамма туманларида бош вазир Нури ал-Малики хайрихоҳлари бўлган куч ишлатувчи тузилмалар ходимлари жойлаштирилди, деб хабар тарқатди ИТАР-ТАСС.

Бу вақтгача ал-Малики президент Фуад Маасумни конституцияни бузганликда айблади. Айни пайтда пойтахтдаги бош кўча ва трассаларни армия ва полиция бўлимлари эгаллади. Улар бронитехника билан таъминланган. Тигр даре-си устидаги кўприкни танк-

лар банд этган. Шаҳарга кирувчи ва чиқувчи йўллар тўсилган. Асосий вазирликлар, ҳукумат муассасалари, парламент ҳамда кўпгаб чет эл ваколатхоналари, жумладан, АҚШ ва Британия элчихоналари жойлашган ҳудуд мустаҳкам ҳалқа билан ўраб олинган.

"Президент сиёсий ваз билан конституцияни бузгани учун унга қарши федерал судга даъво аризаси берилган" деди бош вазир. Бироқ, ал-Маликига қарши кучлар уни эгаллаб турган лавозимини тинч йўл билан тарқ этишни истамаганлик ҳамда тўнтариш уюштиришга уринишда айбландилар. Вашингтон эса Фуад Маасумни қўллаб-қувватлаши ҳақида расман эълон қилди.



ЙЎЛБАРС АЁЛНИ ЎҒИРЛАБ КЕТДИ

Associated Press маҳаллий ҳокимият маълумотига таяниб тарқатган хабарда айтилишича, Фарбий Бен-Галия штатида балиқчиларга йўлбарс ҳужум қилган.



дарбан туманида йил бошидан бери, олтинчи марта шундай ҳужум қайд этилди. Экологларнинг гапига қараганда, йўлбарслар яшайдиган жой торабга бораётгани бунга асосий сабаб бўляпти.

ЭРДОҒАН - САЙЛОВ ГОЛИБИ

Туркиянинг амалдаги бош вазири Режеп Тайп Эрдоган президент сайловларида голиб чиқди, деб ёзади Reuters.

Эрдоган 51,8 фоиз овоз олиб, ўзининг энг ақин рақиби консерватор Эмелдин Ихсаноглини 13 фоизга орта қолдирди. Шундай қилиб, у Туркия тарихида умумий овоз бериш йўли билан сайланган биринчи президентга айланди. Илгари президент парламент томонидан тайинланар эди.

ри ҳам Эрдоган 50 фоиздан кўп овоз олганлигини тасдиқлади. CNN Turk те-



РУМИНИЯДА ЭБОЛА БЕЗГАГИ

Дастлаб Африкада тарқалган Эбола безгаги ҳақидаги эндиликда Руминиянинг Бухарест шаҳрида ҳам пайдо бўлди.

кеган, яъни мамлакатда хавфли безгак туфайли фавқулодда вазият эълон қилинган пайтда у ўша ерда бўлган.

ланган. Аммо, врачлар уни обдон текшириб кўришгач, ушбу таъхис нотўғри эканлиги маълум бўлди.

8 август куни тарқатилган маълумотга кўра, Германияда ҳам Эбола безгаги чалинган бемор аниқ-

да ушбу хавфли юқумли касаллик туфайли қурбон бўлганлар қарийб минг кишига етди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



ҲАР БИР БОЛАГА - МЕҲР, ЭЪТИБОР!

Шу шор остида пойтахтдаги "Тошкентленд" истироҳат боғида ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур байрамона сайилда Бекобод шаҳри, Оққўр-

- Ёғи таътилда энг унутилмас кун бўлди, - дейди оққўрғонлик Дилдора Турсунова. - Маза қилиб ўйнадик. Энди янги ўқув йилига тайёргарлик кўраман.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган бу каби тадбирлар улгайиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга, оиласи ва ён-атрофидагиларга ҳурмат, садоқат ва муҳаббат туйғулари янада оширмоқда. Қолаверса, эртанги



гон, Чиноз, Янгийўл ва Қуйи Чирчиқ туманларидан 300 нафар эҳтиёжманд оила фарзандлари мириқиб хордиқ чиқаришди.

кунга ишончи ҳам мустаҳкамлини бораётгани шубҳасиз.

Аваз БЕКОВ. Қобилжон ГОФУРОВ олган суратлар.



Сохталик бизга ярашмайди

Авваллари совчиларга дастурхон ёзиб, уйда бор нарсалар қўйиларди. Энди эса замона зайли билан яши безатилган, тўкин дастурхон ёзилган алоҳида хона совчиларга шай. Дастурхоннинг устида жондан бошқа ҳамма нарса бадастир. "Чақ-чуқ" ва бошқа ширинликларга ҳафта ўтмай курт тушади. Хонадон эгаси уни яна янгилашга мажбур. Музлаткичда эса тефтель, чучвара, пишган товۇқ совчиларга маҳтал бўлиб, кун санайди. Хонадон бекасининг эса

жони ҳалак: "Мен йўғимда бола-чақа нарсаларни еб қўймадимкан?" Лутфихон ҳам кунларни ҳафталаб, ҳафталаб ойларага улаб, совчи кутарди. Ниҳоят, бир кун кўча эшиги олдидан бошқача тақиллади ва икки аёл кириб келди. Лутфихон ҳовлиқанча уларни меҳмонхонага бошлади, столдаги ноз-неъматлар устига ёпилган дастурхонни олганди, совчиларнинг

Белбоғли кураш

БОШ СОВРИН ГОЛИБНИКИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шiori остида Пискент тумани соврини учун анъанавий белбоғли кураш мусобақаси ўтказилди.



Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон, Бухоро, Фарғона, Сирдарё, Наманган ва Тошкент вилоятининг Паркент, Чирчиқ, Олмалик шаҳарлари ҳамда Пискент туманидан 132 полвон голиблик учун курашди.

Жаҳон чемпионатларининг бир неча бор голиб

дали, I даражали дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Паркентлик Ж. Зоидов, чирчиқлик Ш. Хайридинов, пискентлик Д. Суёнов, И. Эгамов, Наманганлик Д. Қорабоев, фарғоналик Ш. Раҳимов ҳам бахшларда II ўринни эгаллаб, қумуш медаль соҳиби бўлдилар. Ушбу мусобақага Олмалик "Аммофос МА-ХАМ" корхонаси, "Агромуруват бизнес" фермер хўжалиги, Қирққизобод ҳудуди фермерлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими хомийлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси белбоғли кураш федерацияси раиси Р. Дасиқов туман ҳокими И. Эргашўжаевга туманда спортнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси учун эсдалик совга ва фахрий ёрлик тақдим этди.

Шоира ШОМАТОВА.

СОҒЛОМ ОИЛАЛАР КЎПАЯВЕРСИН!

"Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида Чирчиқ шаҳридаги олимпия захиралари коллежида оилавий спорт мусобақаси ўтказилди.

Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мусобақанинг мақсади, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Мусобақанинг шаҳар ва туман босқичларида 300 дан зиёд оила иштирок этди. Вилоят босқичига эса, ҳар бир ҳудуддан иккитадан, жами 36 оила етиб келди.

Оила мустаҳкамлиги, авваломбор, ота-она ва болалар саломатлигига бевосита боғлиқдир, - деди кенгашнинг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Шаҳноза Одилсонова. - Ота-она соғлом бўлсагина, оилда жисмоний ва ақлий етук фарзандлар дунёга келади. Соғлом жамият ҳам соғлом оилалардан ташкил топади.

Иштирокчилар 8 та шарт бўйича ўзаро баҳслашишди. Айниқса, югуриш, тўпни ниҳил соқолаш, чаққонлик ва мерганлик эстафетаси, "Овчилар ва қўёнлар" ўйини қизиқарли бўлди.

Яқини натижаларга кўра, Бекобод шаҳридан Назаровлар ва Қуйи чирчиқлик Аҳмедовлар оилаларига биринчи ўрин насиб этди. Энди улар мусобақанинг республика босқичида вилоятимиз номидан майдонга тушишди. Мусобақада "Энг чаққон оила", "Ғалаба бағли интилиши юксак оила", "Энг ақил оила", "Энг фаол оила" номинациялари бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Ўзим шу соҳада фаолият юритганим учун оиламдагилар ҳам спорт билан шуғулланиш-



ни қанда қилишмайди, - деди мусобақа голиби бўлган оила соҳиби Шухрат Назаров. - Шу

сабабми касал бўлишмайди, кайфиятлари доим тетик, иш-тахаллари яхши.

Ҳурида НАЗАРОВА. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

нинг ёдига улар ташлаб кетган телефон рақами тушди. Бир парча қоғозга ёзилган рақамларни бирма-бир терди. У ёқдан: "Рақам нотўғри терилган" деган жавоб келди.

Лутфихоннинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди. У ўзларини совчилармиз деб таништириб, бировларнинг дастурхонидан текин, тансиқ ош-овқат еб юриш "касали"га чалинган аёлларнинг тузоғига илинганди.

Ҳали йўқ совчини кутаман деб тўкин дастурхон ёзиб қўйишнинг оқибати шу-да!

Жамила АРСЛОНОВА.

Кўргазма

Тошкент Фотосуратлар уйида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танловининг тасвирий санъат йўналишига тақдим этилган ижодий ишлар кўргазмаси очилди.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А. Нуриддинов, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси бошқаруви раиси И. Латипов ва бошқалар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларга ўз салоҳиятини тўла намоён этиши учун зарур барча шароитни яратиб беришга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда адабиёт, публицистика, тасвирий санъат ва бошқа йўналишларда фаолият юритаётган ижодкорларнинг иқтидорини юзага чиқариш, бу соҳаларда эришилаётган ютуқ ва тажрибаларни оммалаштириш, ижодий мактаблар фаолиятини ривожлантириш мақсадида кўпгаб танловлар, фестиваллар ташкил этилмоқда. "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танлови ана шундай лойиҳалардан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигини йилгирма уч йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида ушбу танлов барча ҳудудларда қўриб савияда ташкил этилди. Хусусан, танловнинг вилоятларда бўлиб ўтган босқичларида тасвирий санъат йўналишида икки юз ўн нафардан ортиқ фотоижодкор, рақам ва дизайнер уч мингга яқин ижодий иши билан иштирок этди. Танловга тақдим этилган фотосуратлар, тасвирий санъат асарлари, ижодий ишларда "Ким эдику ким бўлди?" деган гоё ўзига хос тарзда акс эттирилган ўтмиш ва бугунги кун манзаралари, истиқлол йилларида барча жаҳада эришилаётган марралар, ёшларнинг таълим, фан, спорт, маданият соҳаларида кўлга киритган ютуқлари, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, инсонлараро меҳр-оқибат ифодалангани эътиборга лойиқ.

Б. ХИДИРОВА, Ўза муҳбири.

Table with 4 columns: TOHKENT HAQIQATI, Toshkent Sha'ri, Manzilimiz, Telefonlar, and other contact information.

Белгилли материаллар - тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 19.20.